

“Кварц” акциядорлик жамияти
акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг
1-сонли
БАЁННОМАСИ

2020 йил 25 февраль
соат 10-00

Фарғона вил. Қувасой ш.
Мустақиллик кўчаси, 2^а-уй

“Кварц” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда “Жамият” деб юритилади) акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорлар ва вакилларга тегишли овоз берувчи акциялар сони 86 625 111 дона. Жами овоз берувчи акциялар сони 96 449 218 дона. Йиғилиш кворуми 89,81 фоиз.

Қатнашдилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси Ҳ.К.Сирожитдинов – жамият устав фондидаги давлат улуши бўйича акциядори Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ишончномасига асосан вакили.

Жамият акциядорлари ва уларнинг вакиллари (рўйхат илова этилади);

Жамият Бошқарув раиси в.в.б. А.И.Буриев;

Жамият Молия бўйича директори Ф.С.Тиллабоев;

Жамиятнинг Акциядорлар билан корпоратив муносабатларни бошқариш бўлими мутахассиси Ғ.Мамажонов.

ЭШИТИЛДИ:

Жамият Кузатув кенгаши раиси йиғилишда иштирок эта олмаганлиги муносабати билан амалдаги қонунчиликка асосан ва Жамият уставига асосан Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши раиси этиб жамият акциядори вакили Ҳ.К.Сирожитдиновни сайлаш таклиф этилди.

(Бир овоздан маъқулланди)

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши раиси этиб Ҳ.К.Сирожитдинов сайлансин.

ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш раиси – Жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг санок комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида.

(Бир овоздан маъқулланди)

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг санок комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. У.Усмонов - “Кварц” АЖ Ҳисоб-китоб бўлим бошлиғи;

2. З.Раимбердиева - “Кварц” АЖ Бизнесни стратегик ривожлантириш ва лойихалаштириш бўлими бошлиғи ўринбосари;

3. Е.Ковзель - “Кварц” АЖ девонхона бўлими бошлиғи.

ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш раиси – Жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилиши котибини сайлаш тўғрисида.

(Бир овоздан маъқулланди)

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилиши котиблигига “Кварц” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатларни бошқариш бўлими мутахассиси Ғ.Мамажонов сайлансин.

ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш раиси – Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибини тасдиқлаш тўғрисида.

(Бир овоздан маъқулланди)

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг қуйидаги кун тартиби тасдиқлансин.

КУН ТАРТИБИ:

1. Йиғилиш регламентини тасдиқлаш.

2. “Кварц” акциядорлик жамиятининг 2019 йил якунлари бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш тўғрисида;

3. “Кварц” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши аъзосини қайта сайлаш тўғрисида.

4. “Кварц” АЖнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш кун тартибидаги 1-масала бўйича Йиғилиш раиси умумий йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 15 дақиқа савол-жавоблар учун 10 дақиқагача, санок комиссияси ишига 10 дақиқа вақт ажратилиши таклиф этди.

Йиғилиш регламентини тасдиқлаш жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

Йиғилиш кун тартибидаги 2-масала юзасидан “Кварц” АЖнинг 2019 йил фаолиятининг якуни бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлови натижалари тўғрисида ахборот бериш учун сўз Танлов комиссия раиси, Молия бўйича директор Ф.С.Тиллабоевга берилди.

Танлов комиссия томонидан “Кварц” АЖнинг 2019 йил фаолиятининг якуни бўйича молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувдан ўтказилиши ва жамият

самарадорлиги муҳим кўрсаткичлари (СМК) ҳисоботлари тўғрилигини ўрганиш хизматлари юзасидан аудиторлик ташкилоти танловини ўтказиш ишларини амалга оширди.

Танлов бўйича берилган эълонга кўра “Кварц” АЖнинг 2019 йил фаолиятининг якуни бўйича молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувдан ўтказилиши ва жамият самарадорлиги муҳим кўрсаткичлари (СМК) ҳисоботлари тўғрилиги 3 та аудиторлик корхоналаридан (“Amulet-Audit” МЧЖ – 70,0 млн. сўм, “TSIAR-FINANS” МЧЖ – 112,7 млн. сўм, “FTF-LEA-Audit” МЧЖ – 74,75 млн. сўм) тижорат таклифлари келиб тушди.

Танлов ғолибини аниқлаш учун таклифлар танлов ҳужжатларида қайд этилган мезонларга асосан баҳолаш натижаларига кўра танлов иштирокчилари томонидан баллар тўпланди (“Amulet-Audit” МЧЖ – 63,4, “TSIAR-FINANS” МЧЖ – 39,0, “FTF-LEA-Audit” МЧЖ – 56,8).

Танлов ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган ҳамда юқори балл тўплаган ҳамда “Amulet-Audit” МЧЖ танлов ғолиби этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган.

Шу муносабати билан “Кварц” акциядорлик жамиятининг 2019 йил якунлари бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун “Amulet-Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини 70 000 000 сўм белгилаш ва у билан шартнома тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш акциядорлар йиғилишидан сўралди.

Кун тартибдаги 3-масала юзасидан йиғилиш раиси Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 20 январдаги 42/01-08-1-сонли хатини акциядорларга ўқиб эшиттирди.

Мазкур хатда Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 17 сентябрдаги 198 к-ЛС-сонли буйруғига асосан В.Назаров бошқа ишга ўтиши муносабати билан, тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги сабаб, “Кварц” АЖ Кузатув кенгаши таркибига Агентликнинг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи в.б. Сирожитдинов Хабиб Камилович номзоди таклиф этилган.

Шунингдек Агентлик томонидан ушбу номзодни жамият Кузатув кенгаши таркибига сайлаш бўйича бошқарув органларининг тегишли қарори қабул қилинишини ташкиллаштириш “Кварц” АЖ Кузатув кенгашидан сўралган.

Шу муносабати билан “Кварц” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши аъзосини қайта сайлаш тўғрисидаги масала жамият акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиши кун тартибига киритилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб “Кварц” АЖ Кузатув кенгаши аъзоси Назаров Восилжон Шухратович ваколатини муддатидан олдин бекор қилиш ва Агентликнинг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи в.б. Сирожитдинов Хабиб

Камилович номзодини жамият Кузатув кенгашига сайлаш юзасидан қарор қабул қилиш акциядорлардан сўралди.

Кун тартибидаги 4-масала бўйича жамиятнинг Молия бўйича директор Ф.С.Тиллабоев томонидан йиғилиш қатнашчиларига қуйидагиларни маълум қилди.

“Кварц” АЖнинг ташкилий тузилмаси жамият фаолиятдан келиб чиқиб ҳамда бугунги кунда жамият олдида турган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида қайта кўриб чиқилди ва ташкилий тузилмага ўзгартириш киритиш ва оптималлаштириш таклифини билдирди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сонли “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорнинг 4-бандида раҳбар ўринбосарларидан бирини инновацион ривожланиш масалалари бўйича масъул этиш белгиланган бўлиб, Инновация ва фан бўйича директор ваколатлари бошқарув раисининг 1-ўринбасарига бириктиришни, “Кварц” АЖ чегара худудида жойлашганлиги ҳамда Хитой Халқ Республикасининг “Shanghai Pony Technology Co., LTD” компанияси томонидан суткасига 400 тонналик печ, янги силлиқланган ойна ишлаб чиқариш линияси қурилиши муносабати билан хавсизлик ва назоратни кучайтириш мақсадида, Режим ва техника хавфсизлиги бўйича директор лавозимини жорий этишни, ишлаб чиқариш бўйича директор ҳамда молия бўйича директорлар ваколатлари ишлаб чиқариш ва иқтисодни мувофиқлаштириш бўйича директор лавозимида қайтарилаётганлиги муносабати билан ишлаб чиқариш ва иқтисодни мувофиқлаштириш бўйича директор лавозими тугатилиши таклиф этилмоқда.

Шундан сўнг таклиф этилаётган ўзгаришларни инobatга олинган “Кварц” АЖнинг янги ташкилий тузилмаси лойиҳаси билан йиғилиш қатнашчилари таништирилди (ташкилий тузилма лойиҳаси илова қилинади).

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кириши белгиланганлиги муносабати билан ушбу ташкилий тузилмани тасдиқлаб бериш акциядорларидан сўралди.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Йиғилиш регламентини тасдиқлаш

Овоз бердилар: – 86 625 111овоз, тарафдорлар – 86 625 111 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

1. Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 15 дақиқа савол-жавоблар учун 10 дақиқагача, санoқ комиссияси ишига 10 дақиқа вақт ажратилиши орқали йиғилиш регламенти тасдиқлансин.

2. “Кварц” акциядорлик жамиятининг 2019 йил якунлари бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш тўғрисида

Овоз бердилар: – 86 625 111 овоз, тарафдорлар – 86 625 111 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

1. “Кварц” акциядорлик жамиятининг 2019 йил якунлари бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун “Amulet-Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилотини жамият аудитори этиб белгилансин.

2. “Amulet-Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини 70 000 000 сўм белгилансин ҳамда аудиторлик ташкилоти билан ўрнатилган тартибда шартнома тузиш вазифаси “Кварц” АЖ ижроия органига топширилсин.

3. “Кварц” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши аъзосини қайта сайлаш тўғрисида

Овоз бердилар: – 86 625 111 овоз, тарафдорлар – 86 625 111 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 20 январдаги 42/01-08-1-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Кварц” АЖ Кузатув кенгаши аъзоси Назаров Восилжон Шухратович ваколати муддатидан олдин бекор қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи в.б. Сирожитдинов Хабиб Камирович жамият Кузатув кенгашига сайлансин.

4. “Кварц” АЖ ижроия органи (А.Буриев) томонидан жамият Кузатув кенгаши таркибидаги ўзгаришлар билан боғлиқ ахборотни қонунчиликда белгиланган тартибда ошкор қилиниши таъминлансин.

4. “Кварц” АЖнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

Овоз бердилар: – 86 625 111 овоз, тарафдорлар – 86 625 111 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

1. “Кварц” АЖнинг янги ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Йиғилиш раиси томонидан кун тартибига киритилган масалалар тўлиқ кўриб чиқилиб, тасдиқланганлиги муносабати билан йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинди.

Йиғилиш раиси



Х.К.Сирожитдинов

Йиғилиш котиби



Ғ.Мамажонов

«3» 03 2020 й.